

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ МУНОСАБАТЛАРИ**Жаҳонгиров Бурхон Бўронович**

Ўзбекистон давлат жомоний тарбия ва спорт университети доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7428410>

Аннотация. Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг Туркия давлати билан сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, ҳарбий ва ҳарбий техникавий алоқалар, терроризм ва наркотик моддалар савдосига қарши кураш, ҳуқуқий ёрдам, соғлиқни сақлаш, транспорт, сайёҳлик ва визаларни бекор қилиш ва бошқа соҳаларга оид тузилган шартномалар ва уларнинг бажарилиши, сўнги беш йилда икки давлат ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик алоқаларининг янги босқичга чиққанлиги ифодаси ҳисобланган давлат раҳбарларининг ўзаро таширифлари ҳақидаги маълумотлар баён қилинган.

Калит сўзлар: давлат, республика, президент, сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳарбий, соғлиқни сақлаш, терроризм, сайёҳлик, виза, дипломат, консуллик, элчихона.

ОТНОШЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА И ТУРЦИИ

Аннотация. В данной статье за годы независимости Узбекистана политические, торгово-экономические, научно-технические, культурные, военные и военно-технические связи, борьба с терроризмом и наркотрафиком, юридическая помощь, здравоохранение, транспорт, туризм, аннулирование виз обсуждаются и другие направления, заключенные договоренности и их реализация, информация о взаимных визитах глав государств, которые считаются выражением нового этапа отношений и сотрудничества между двумя странами за последние пять лет.

Ключевые слова: государство, республика, президент, политический, экономический, культурный, военный, здравоохранение, терроризм, туризм, виза, дипломат, консульство, посольство.

RELATIONS OF UZBEKISTAN AND TURKEY

Abstract. In this article, over the years of independence of Uzbekistan, political, trade and economic, scientific and technical, cultural, military and military-technical ties, the fight against terrorism and drug trafficking, legal assistance, healthcare, transport, tourism, visa cancellation are discussed and other areas, agreements concluded and their implementation, information about the mutual visits of the heads of state, which are considered an expression of a new stage in relations and cooperation between the two countries over the past five years.

Keywords: state, republic, president, political, economic, cultural, military, healthcare, terrorism, tourism, visa, diplomat, consulate, embassy.

КИРИШ

Туркия Республикаси Ўзбекистон ташқи сиёсатида алоҳида ўринга эга бўлган, ўзига хос мамлакат ҳисобланади. Чунки ўзбек ва турк халқларини азалий дўстлик, биродарлик ва қардошлик ришталари боғлаб туради, ҳар икки халқлар туркий тилда сўзлашувчи халқлар бўлиб, уларнинг дини, тили, урф-одати ва маданияти бир-бирига жуда яқин. Қолаверса, Туркия дунёдаги 200дан ортиқ мамлакат ичида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган ва шу тариқа унинг дунё харитасида янги давлат сифатида эътироф этилиши жараёнини бошлаб берган давлат сифатида ҳисобланади.

Туркиядек кудратли давлат билан ҳамкорлик қилиш мамлакатимизнинг миллий манфаатларига тўлиқ мос келади. Мамлакатимиз бугунги кунда Туркиянинг Марказий Осиёдаги энг асосий, ишончли шерикларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистоннинг улкан бозори, либераллашиб бораётган иқтисодиёти, қулай инвестициявий муҳити, туризм соҳасини ривожлантиришга мос шарт шароитлари Туркиялик ишбилармон доира вакиллари қизиқтирмакда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг Туркия давлати билан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, ҳарбий ва ҳарбий техникавий алоқалар, сиёсий, халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик ва дипломатик паспорт егалари учун визаларни бекор қилиш ҳақида ҳукуматлараро тузилган битимлари ҳақида Усманов Қ, Муртазаева Р.Ҳ, Шамсиддинов Р, Жаҳонгирова Б.Б ўз асарларида, ўзаро алоқалар халқаро ташкилотлар доирасида икки давлатнинг парламентлари ва вазирликлари ўртасида ҳам давом етди. Савдо иқтисодий ҳамкорлик сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва химоялаш, икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисидаги битимлар ҳақида эса Қўлдошев Э.Ҳамидов Ҳ, Жўраев Н, Қирғизбоев А, Бекмуратов Х.И. Эшов.Б.Ж, Одилов А, асарларида атрафлича маълумотлар берилган. [1].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Туркия Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини тан олиб, икки давлат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгач, 1992 йил апрелда Туркиянинг Тошкентдаги елчихонаси, 1993-йил январда эса Ўзбекистон Республикасининг Анқарадаги елчихонаси ўз фаолиятини бошлади. Истанбулда Ўзбекистон Республикасининг Бош консулхонаси очилди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. А. Каримов 1991 йил декабр, 1994 июл июн ва 1997-йил ноябрда расмий ташриф билан Туркияда бўлди. 1998-йил октябрда Туркия Республикасининг 75 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок етди. Ўз навбатида, Туркия Президентлари Т. Ўзал, С. Демирел ва бошқа давлат арбоблари бир неча бор расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлдилар. [2].

Ана шу ташриф ва мулоқотлар натижасида икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг шартномавий ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, Ўзбекистон билан Туркия ўртасида "Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида"ги шартнома ҳамда сиёсий, савдоиқтисодий, илмий-техникавий, ҳарбий ва ҳарбий техникавий алоқалар, терроризм ва наркотик моддалар савдосига қарши кураш, ҳуқуқий ёрдам, соғлиқни сақлаш, транспорт, сайёҳлик, маданият ва бошқа соҳаларда 78 ҳужжат имзоланди. [3].

Мустақил Ўзбекистоннинг Туркия билан ўзаро ҳамкорлик алоқларининг эволюцияси ўзининг маълум хусусиятларига эга бўлган учта босқичдан иборат.

Биринчиси, 1991 йилдан 2005 йилгача бўлган давр, бу даврда ҳамкорлик алоқлари ўрнатилди (16 декабрь, 1991 йил), абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди (1996 йил), турк ишбилармонлари учун республикада кенг имкониятлар яратиб берилди, фаол маданий ҳамкорлик йўлга қўйилди, минглаб талабалар Туркияга ўқишга юборилди ҳамда Ўзбекистонда турк мактаб ва лицейлари ташкил қилинди. Ушбу давр мобайнида Туркия Президентлари ва бош вазирлари Ўзбекистонга расмий ташриф буюриб, ўзаро ҳамкорликни томонлар имкониятларининг максимал даражасига олиб чиқишга ҳаракат қилди. [4].

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. А. Каримовнинг 2000-йил сентябрда Туркия Президенти Аҳмет Несдет Сезер билан БМТ нинг "Минг йиллик" саммити доирасидаги учрашуви икки томонлама алоқаларда муҳим аҳамият касб етди. 2003-йилда Туркия Бош вазири Ражаб Таййип Эрдоғон Ўзбекистонга келди. Ташриф давомида яна бир қанча ҳужжат имзоланди. Икки томон ўртасида божхона тўловларига нисбатан енг кўп қулайлик бериш тартиби кучга кириши туфайли 2002-йил Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги товар айланмаси 1,7% ўсиб, 190,48 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2003-йилда 2002-йилга нисбатан 41,3% ошди, умуман Ўзбекистоннинг ташқи савдо товар айланмасида Туркиянинг улуши 4% ни ташкил этади. [5].

Туркия Ўзбекистондан рангли металл ва ундан тайёрланган буюмлар, ип газлама, трикотаж мато, пахта толаси, озиқ-овқат (мева ва ёнғоқ) олади ва Ўзбекистонга механик ускуналар, ер ости транспорт воситалари, оптик жиҳоз ва ускуналар, мебел, электр асбоблар, пластмасса буюмлари, кимёвий маҳсулот, гилам ва бошқа юборади. Фан ва техника соҳасида Ўзбекистон Фан ва технологиялар маркази билан Туркиянинг фан ва техник тадқиқотлар кенгаши ўртасидаги икки томонлама алоқалар муваффақиятли ривожланмоқда. Кейинги йилларда ўзбекистонлик олимлар ядро физикаси, биол., экология, қишлоқ хўжалиги. каби соҳаларда Туркия илмий марказлари томонидан ўтказиладиган конференция ва симпозиумларда мунтазам иштирок этиб келишмоқда. [6].

Иккинчи давр 2005-2016 йилларни ўз ичига олади ва турғунлик даври сифатида баҳоланади. Бу давр бир қанча омилларга кўра, яъни ички ва ташқи сиёсат ҳамда маълум шахсий сиёсий амбициялар доирасидаги қарорлар билан тавсифланади. Турғунлик даври 2005 йил Туркия БМТ Бош Ассамблеясида Андижон воқеалари юзасидан Ўзбекистон ҳукуматини номутаносиб куч ишлатганликда айбловчи резолюциясини маъқуллаб овоз беришидан бошланган эди (бу резолюция қабул қилинмаган). Шундан сўнг ўзаро муносабатлар доимий равишда ёмонлашиб борди. Томонлар ўртасидаги совуқчиликнинг яна бир омили 1993 йилда ватанни тарк этган муҳолифат раҳбари М.Солиҳнинг Туркиядан сиёсий бошпана олиши ва уни Ўзбекистонга қайтариш тўғрисидаги расмий Тошкентнинг талабларини турк масъуллари бажармасдан келганлиги Ўзбекистон ҳукумати ёки давлат раҳбарининг шахсий сиёсий амбицияларига мос эмаслиги билан боғлиқ эди. Бу даврнинг асосий хусусиятларидан яна бири турк инвесторларининг мамлакатдан чиқариб юборишга бўлган уринишлар билан ҳам изоҳланади. [7].

2011 йил Туркиялик йирик ишбилармон Вахит Гюнешга қарашли бўлган Тошкентдаги Туркуаз савдо мажмуасининг ёпиб қўйилиши ортидан турк-ўзбек муносабатларида бир қанча саволлар келиб чиқди. Бу давр 2014 йил Сочи шаҳрида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. А. Каримов ва Режеп Таййип Эрдоғоннинг ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришни кўриб чиқиш тўғрисидаги келишувидан сўнг ўз якунига ета бошлаган.

Учинчи давр, 2016 йил Самарқанд шаҳрида Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғон ўртасидаги учрашувдан сўнг бошланди. Ўтган қисқа вақт давомида икки давлат раҳбарлари ўнга яқин тўғридан-тўғри мулоқотларни амалга оширди. Хусусан, 2017 йилнинг 25-27 октябрь кунлари Шавкат Мирзиёев Туркияга ташриф буюриб, Президент Режеп Таййип Эрдоғон билан учрашди. Ушбу тарихий ташриф давомида Туркия ва

Ўзбекистон ўртасида авиация, транспорт, сармоя, дипломатия, таълим, соғлиқни сақлаш, мудофаа, савдо, маданият, банк соҳаларида 26 та битим имзоланди, Бундан ташқари. [8].

2017 йилда Эрдоған ва Мирзиёев Пекин, Риёд, Остона ва Нью-Йоркдаги халқаро тадбирлар доирасида музокаралар ўтказди, ҳамкорлик истикболлари ва халқаро вазиятларни муҳокама қилди. 2018 йилнинг 31 апрель – 1 май кунлари Туркия Президенти давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Ташриф давомида икки мамлакат президентлари Ўзбекистон ва Туркиянинг етакчи банклари, компания ва фирмалари раҳбарларининг қўшма бизнес форумида иштирок этишди. Ушбу ташрифга жавобан куни кеча Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга расмий ташрифи амалга оширилди. [9].

2021-йил 7-март куни Самарқанд шаҳрида Туркиянинг бош консуллиги очилди. Очилиш маросимида Ўзбекистон бош вазир ўринбосари Азиз Абдухакимов, Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Камилов, Туркиянинг ташқи ишлар вазири Мавлуд Човушўғли ва Самарқанд вилояти ҳокими Еркин Турдимов иштирок етган. Туркиянинг Самарқанддаги бош консулхонаси раҳбари Салих Жанер Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш учун Самарқанд шаҳрида Туркиянинг бош консулхонаси биноси очилишини таъкидлаган. [10].

2021-йил 17-март куни Шавкат Мирзиёевнинг „Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида“ги Қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, 2020-йил 27-октябрда Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон ҳукумати билан Туркия ҳукумати ўртасида ҳарбий-молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ҳамда молиявий кўмакни амалга ошириш тўғрисидаги Баённома тасдиқланди. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари мазкур халқаро шартномалар кучга киргандан сўнг Ўзбекистоннинг мажбуриятларни бажарилишини таъминлайди. Ўзбекистон ва Тукия ҳарбийлари Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ Жанубий оператив қўмондонлиги Термиз дала - ўқув майдонида махсус - тактик ўқув машғулоти ўтказилди. [11].

ХУЛОСА

Туркиянинг таълим, фан ва техника, инновациялар, соғлиқни сақлаш ҳамда сайёҳлик хизматларини кўрсатиш борасидаги улкан тажрибасидан фойдаланиш ва бу борада ҳамкорликни йўлга қўйиш Ўзбекистон тараққиётида ижобий таъсир кўрсатди, самарали ўзаро алоқаларнинг истикболини таъминлашда барча жиҳатларигача эътибор қаратилди.. Ушбу ҳамкорликнинг ўтмишдаги хатолардан сабоқ чиқариш ва уларни бошқа такрорламаслик. Шунингдек, Туркия билан ўзаро ҳамкорлик алоқларини мафкуравий асосларга кўра эмас, иқтисодий манфаатлар устуворлиги асосида шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

REFERENCES

1. Усманов Қ. Ўзбекистон тарихи.-Т.: “Шарқ”. 2007.
2. Муртазаева Р.Х. Ўзбекистон тарихи.-Т.: “Академия”.2010
3. Шамсиддинов Р. Ўзбекистон тарихи.-Т.: “Шарқ”.2013
4. Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари. Academic research in educational science. Volume 2 | special issue 2 | 2021 /02;
5. Қўлдошев Э.Ҳамидов Х. Ўзбекистон тарихи.-Т.: “Янги аср авлоди”. 2015.

6. Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи.-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2016.
7. Жўраев Н. Мустақил Ўзбекистон тарихи.3-китоб, “Шарқ”
8. Қирғизбоев А.Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги.-Т.: “Фан”.2004.
9. Бекмуратов Х.И. Ўзбекистоннинг Туркия билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги.(1991-2000 йиллар).-Т.: Диссертация.2001
10. Жаҳонгиров Б.Б. Международные связи Узбекистана в области науки. International scientific and practical conference. The time of scientific progress, Warsaw, Polsha, 05.11.2022. Session1, Part 3.
11. Эшов.Б.Ж,Одилов А, Муртазаева Р.Ҳ.Ўзбекистон тарихи.-Т.: “Янги асп авлоди”. 2013.
12. Жаҳонгиров, Б. Б., & Бўронов, А. Б. Ў. (2021). ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХИТОЙ БИЛАН ИЛМИЙ ТЕХНИКАВИЙ АЛОҚАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 372-379.
13. Жаҳонгиров, Б. Б., & Бўронов, А. Б. Ў. (2021). ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХИТОЙ БИЛАН ИЛМИЙ ТЕХНИКАВИЙ АЛОҚАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 372-379.
14. Жаҳонгиров, Б. Б. (2022). ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ИЛМИЙ–ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИГИ (илмий-тадқиқот институтлари мисолида). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 823-829.
15. Жаҳонгиров, Б. Б. (2022). ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲИНДИСТОН БИЛАН ИЛМИЙ ТЕХНИКАВИЙ АЛОҚАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(5), 1058-1065.
16. Джахангиров, Б. Б. (2022, November). МЕЖДУНАРОДНЫЕ СВЯЗИ УЗБЕКИСТАНА В ОБЛАСТИ НАУКИ. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE" THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS"* (Vol. 1, No. 3, pp. 15-19).
17. Жаҳонгиров, Б. Б. (2016). НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО УЗБЕКИСТАНА С ЗАРУБЕЖНЫМИ СТРАНАМИ. *Наука и образование: проблемы и тенденции развития*, (1), 18-20.
18. Жаҳонгиров, Б. Б. (2022). ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲИНДИСТОН БИЛАН ИЛМИЙ ТЕХНИКАВИЙ АЛОҚАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(5), 1058-1065.
19. Жаҳонгиров, Б. Б., & Турғунов, Т. А. (2021). ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ИЛМИЙТЕХНИКАВИЙ АЛОҚАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 2(5), 1010-1021.
20. Жаҳонгиров, Б. Б. (2021). ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯПОНИЯ БИЛАН ИЛМИЙ ТЕХНИКАВИЙ АЛОҚАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 2(Special Issue 1), 312-318.